



## Features of innovative activity of a primary school teacher

Nigora KENZHABOEVA<sup>1</sup>, Turgunoy ABDIEVA<sup>2</sup>

Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy

---

### ARTICLE INFO

---

**Article history:**

Received February 2021

Received in revised form

28 February 2022

Accepted 15 March 2022

Available online

25 April 2022

---

### ABSTRACT

---

The article reveals the main aspects of the innovative activity of a primary school teacher. The main attention is paid to the opinion on innovations in primary education and improving the quality of education, methodological and problematic innovation processes related to the renewal and new content of education, increasing students' motivation for innovations in primary education, updating educational technologies, and improving the quality of educational services.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss2-pp101-105>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

---

**Keywords:**

innovation processes,  
innovation activities,  
innovations,  
innovative technologies,  
elementary school,  
technical innovations,  
educational innovations,  
out-of-school innovations.

## Бошланғич синф ўқитувчисининг инновацион фаолиятига доир хос хусусиятлар

---

### АННОТАЦИЯ

---

Мақолада бошланғич синф ўқитувчи инновацион фаолиятининг асосий жиҳатларини очиб берилган. Унда бошланғич синфлардаги инновациялар кичик ёшдаги ўқувчиларни тарбиялаш ва таълим сифатини оширишга қаратилғанлиги, таълимнинг янгиланиши ва янги мазмуни билан боғлиқ ҳолда методик ва муаммоли инновацион жараёнлар, илк таълим даврида инновацияларнинг жорий этишда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини ошириш, таълим технологияларини янгилаш, таълим хизматлари сифатини оширишга устуворлик бериш лозимлиги ҳақидаги фикрлар қаламга олинган.

---

**Калим сўзлар:**

инновацион жараёнлар,  
инновацион фаолият,  
инновация,  
инновацион  
технологиялар,  
бошланғич мактаб,  
техник инновациялар,  
таълим инновациялари,  
дарсдан ташқари  
инновациялар.

<sup>1</sup> PhD in pedagogy, Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy, Surkhandarya, Uzbekistan

<sup>2</sup> master of the 1st stage, Denau Institute of Entrepreneurship and Pedagogy, Surkhandarya, Uzbekistan

# Особенности инновационной деятельности учителя начальных классов

## Аннотация

**Ключевые слова:**

инновационные процессы, инновационная деятельность, инновации, инновационные технологии, начальная школа, технические инновации, образовательные инновации, внешкольные инновации.

В статье раскрываются основные аспекты инновационной деятельности учителя начальных классов. Основное внимание уделяется мнения о инновациям в начальном образовании и повышению качества образования, методологическим и проблемным инновационным процессам, связанным с обновлением и новым содержанием образования, повышением мотивации учащихся к инновациям в начальном образовании, обновлением образовательных технологий, повышением качества образовательных услуг.

Маълумки, янги Ўзбекистон қуриш шароитида ривожланган мамлакатлар тажрибасида инновацион фаолиятни ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш масаласи таълим муассасаларида мутахассисларни касбий ривожлантириш ҳамда уларнинг инновацион фаолиятини такомиллаштиришга ҳам хизмат қиласди. Замонавий таълим тизимида амалга оширилаётган инновацион жараёнлар, аввало, инсон фаолиятининг барча соҳаларида рақамли технологияларидан фаол фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Инновацион фаолиятнинг моҳияти ва мазмуни таълим соҳасидаги ҳар қандай янгилик ўқитувчи томонидан амалга оширилгандагини юзага чиқади, бу эса, унинг касбий компетентлигига боғлиқдир.

Ҳозирда мамлакатимизда инновацион технологияларга асосланган таълимтарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига кўтариш масалаларига оид тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ж.Йўлдошев “инновация (инглиз тилидан олинган “Innovation” янгилик киритиш) – тизим ички тузилишни ўзгартириш амалиёт ва назариянинг асосий қисми”, инновацион фаолият эса, “янги ижтимоий талаблар билан аънанавий меъёрларнинг мос келмаслиги. Амалиётнинг янгилаётган меъёрларни мавжуд меъёрлар билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муоммоларни ечишига қаратилган фаолият” [1], деб таъкидлайди.

“Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунида инновация, инновацион инфратузилма, инновацион лойиҳа, инновацион фаолият, инновациялар яратиш учун давлат буюртмаси, технологиялар трансфери, янги ишланма каби тушунчаларга изоҳ берилади. Жумладан, “инновация – фуқаролик муомаласига киритилган ёки шахсий эҳтиёжлар учун фойдаланиладиган, қўлланилиши амалиётда катта ижтимоий-иқтисодий самарага эришишни таъминлайдиган янги ишланма” деб, таъриф берилган бўлса, “инновацион фаолият – янги ишланмаларни ташкил этиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида уларнинг ўтказилиши ва амалга оширилишини таъминлаш бўйича фаолият” [2] деб, таърифланади.

Инновацияга ҳар қандай турдаги янгилик сифатида эмас, балки мавжуд тизимнинг самарадорлигини жиддий равишда оширадиган омил сифатида қараш

лозим. Иқтисодий адабиётларда “инновация” тушунчасига таъриф бериш учун турли хил ёндашувлар пайдо бўла бошлади. Масалан, Э.А. Уткиннинг ёндашувига кўра, инновация деганда “ишлаб чиқаришга жорий этилган объект” [3] тушунилади.

Адабиётларнинг назарий-илмий таҳлили инновацион жараённи интенсивлаштиришга кўмаклашувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради:

- таълим муассасалари раҳбарларининг инновацион имкониятлари;
- ишлаб чиқилган комплекс лойиҳалар;
- лойиҳалар доирасида ва жараённинг ўзида маслаҳат бериш;
- ижтимоий-иқтисодий муҳит; д) инновацион жараён иштирокчиларининг улушли вазиятлари. Бундан инновацион жараён доимо маълум йўналишга эгалиги келиб чиқади. Улардан бири – бу педагогик фаолиятга йўналганлик.

Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда мактаб таълими тизимидағи инновацион жараёнлар, шу жумладан, бошланғич синфлардаги янгиликларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Замонавий бошланғич синф ўқитувчиси ўз фаолиятида янги услугуб ва технологиялардан фойдаланишга тайёр бўлиши керак.

Бошланғич синф ўқитувчининг инновацион фаолияти кичик ёшдаги ўқувчиларда билим олишга қизиқиши ривожлантириш, уларнинг шахсини шакллантириш, таълим сифатини оширишга қаратилган. Бошланғич синф ўқитувчининг инновацион фаолияти кўп қиррали ҳодиса бўлиб, таълим жараёнига янгиликларни киритиш билан тавсифланади. Инновацион фаолиятни амалга оширишда кўплаб бошланғич синф ўқитувчилари қийинчиликларга дуч келишиади, бу биринчи навбатда кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Бу бошланғич мактабдаги инновацияларнинг хос хусусиятлари ва табиатида бевосита ёки билвосита таъсир қиласи.

Инновациялар мазмуни ва намоён бўлиш шакллари жиҳатидан хилмажилдир:

- фаолият турлари бўйича: педагогик, бошқарув;
- киритилган ўзгаришларнинг характеристига кўра: радикал комбинацион, модификация;
- киритилган ўзгартиришлар кўлами бўйича: маҳаллий, модулли, тизимли;
- фойдаланиш кўлами бўйича: ягона, тарқоқ;
- юзага келиш манбасига кўра: ташқи, ички [4].

Бошланғич синфлардаги инновациялар, биринчи навбатда, кичик ёшдаги ўқувчиларни тарбиялаш ва таълим сифатини оширишга хизмат қилиши лозим.

Самарали инновацион фаолиятни амалга ошириш учун замонавий бошланғич синф ўқитувчиси унинг ўзига хос хусусиятларини тушуниши, уни амалга ошириш учун зарур бўлган педагогик маҳоратни кашф этиши муҳимдир. Бошланғич мактаб ўқув жараёнида фаол ва интерфаол ўқитиши усулларидан фойдаланиш инновацион ҳисобланади [5].

Кўпгина бошланғич синф ўқитувчилари инновацион жараённинг бир қисми сифатида дарс схемасидан эмас, балки ўқитувчи ва ўқувчилар учун тавсиялар берадиган технологик харитадан фойдаланадилар. Технологик харита кичик ёшдаги ўқувчиларни ўқитишнинг асосий мақсадига эришишга қаратилган: қандай ўрганишни ўргатиш [6]. Бунда материални оддий тушунириш ва уни мустаҳкамлаш эмас, балки ўқувчи таълим жараёнининг иштирокчисига айланади, яъни ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларга асосий эътибор

берилади. Шунингдек, бошланғич синфларда инновацион жараён синфдан ташқари ишларни қамраб олиши керак. Бугунги кунда болаларни мактабдан кейинги машғулотларга қизиқтириш жуда муҳим, бу эса, мактабдан ташқари машғулотларни таълим ва тарбия учун тўлиқ ҳуқуқли маконга айлантириш имконини беради.

Ҳозирги вақтда ўқитувчи инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчилар учун синфдан ташқари ишларни янгича усулда қуриш имкониятига эга [7].

Бошланғич синфларда инновацияларни ривожлантиришни қўйидаги йўналишларга бўлиш мумкин:

- таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш мақсадида янги типдаги мактабларни яратиш;
- янги ўқув курсларини яратиш ва жорий этиш, таълим мазмунини ўзгартириш;
- дарсликлар, ўқув қўлланмалар, дастурлар ишлаб чиқиш;
- инновацион технологиялар, усулларни жорий этиш; экспериментал майдонларни, синфларни яратиш;
- ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш [7].

Таълимнинг янгиланиши ва янги мазмуни билан боғлиқ ҳолда услубий ва муаммоли инновацион жараёнлар ажралиб туради. Муаммога йўналтирилган инновацион жараёнлар ўз шахсияти ва ижтимоий аҳамиятини рўёбга чиқаришга қаратилган муайян вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган [8].

Юқорида таъкидланганидек, бошланғич синф ўқитувчининг инновацион фаолияти янги шакллар, усуллар ва ўқитиши усулларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Яқин вақтгача кичик мактаб ўқувчилари дарс беришда “Алифбо” китобидан фойдаланган ҳолда битта усул билан шуғулланишган.

Ҳозирги вақтда замонавий дунёда таълимнинг кўплаб усуллари ва дастурлари мавжуд. Таълим тизимини янгилашдан кўзланган мақсад ўқувчи саломатлигини асраб-авайлаган ҳолда таълимни такомиллаштириш, истеъодод ва шахсий фазилатларни ривожлантиришдан иборат. Барча мактабларда компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартига [9] ўтгандан сўнг, ўқув-билув фаолияти қобилиятни ривожлантириш, ўз-ўзини ривожлантириш жараёнига айланади.

Янгиланиш жараёнида инновацион технологиялар кенг жорий этилмоқда. Эрта мактаб ёшида ақлий қобилиятларнинг интенсив ривожланиши содир бўлади. Бу босқичда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда унинг кейинги таълим олишига мустаҳкам замин яратади, бу эса, ўқув материалини тақдим этишининг турли усулларини қайта кўриб чиқиш зарурлигига олиб келади.

Янгиликлардан бири MacBook-дан бошланғич мактабда фойдаланишdir. MacBook бошланғич синф ўқитувчиларига ўрганишни осон ва қизиқарли қилиш имконини беради. Тасвиirlар, видеолар ва аудиолар билан таълим лойиҳаларини яратиш учун MacBook-дан фойдаланишингиз мумкин. MacBook ёрдамида сиз қўшиқларни ёзиб олишингиз ва таҳрирлашингиз, рақамли тақдимотлар ва портфельлар яратишингиз ва видеолар тайёрлашингиз мумкин. MacBook ва унинг иловаларидан фойдаланиш жуда осон. Унинг таълим жараёнида қўлланилиши ўқув дастури талабларига тўлиқ жавоб беради. Бундан келиб чиқсан ҳолда, бошланғич синфларда MacBook дан фойдаланиш қўйидаги вазифаларни ҳал қиласди:

- MacBookда ишлаш имкониятлари билан танишиш;

- MacBook-дан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатиш;
- кичик ёшдаги ўқувчиларнинг таълимими осонлаштириш ва диверсификация қилиш.

Ўқитувчилар MacBook-дан саводхонлик ва ёзиш дарсларида фойдаланишлари мумкин. Бу кичик ёшдаги ўқувчиларнинг нутқини бойитиш ва ривожлантиришга, ижодий ва математик кўникмаларни, алгоритмик фикрлашни шакллантиришга, мултимедиа технологиялари ва дастурлаш асосларини, шунингдек, жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради [10].

Хулоса, бошланғич синфларда инновацияларнинг жорий этилиши кичик ёшдаги ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини ошириш, таълим технологияларини янгилаш, таълим хизматлари сифатини ошириш, давлат буюртмасини бажаришга хизмат қилиши лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Йўлдошев Ж.Г., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари: Кўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2004. – Б. 104.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Конуни. ЎРҚ-630-сон.
3. Кулагин А. Оценка и самооценка научной организации. Инновационная экономика. 2011 г. Ст. 54–55.
4. Григорьева С.Г. Подготовка будущих учителей начальных классов к инновационной деятельности [Текст]: Дис. ... канд. пед. наук / С.Г. Григорьева. – Чебоксары, 2003. – С. 211.
5. Ходырева Е.А. Инновационная деятельность в образовании: основные тенденции и приоритеты [Электронный ресурс] / Е.А. Ходырева // Научнометодический электронный журнал «Концепт». – 2016. – № S1. – С. 46-50. – URL: <http://e-koncept.ru/2016/76010.htm>.
6. Гусенко В.В. Методика исследования инновационного опыта современной отечественной сельской школы [Текст]: Дис. ... канд. пед. наук / В.В. Гусенко. – Санкт-Петербург, 2009. – С. 240.
7. Нурмагомедов Д.М. Подготовка будущих учителей начальных классов к инновационной деятельности [Текст] / Д.М. Нурмагомедов, Ш.Д. Камилова // Современные наукоемкие технологии. – 2011. – № 1. – С. 72–73.
8. Прохорова М.П. Содержание и виды инновационной деятельности педагога в условиях модернизации педагогического образования [Электронный ресурс] / М.П. Прохорова // Современные научные исследования и инновации. – 2015. – №12. – URL: <http://web.snauka.ru/issues/2015/12/60257>.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сон қарори. <https://lex.uz/docs/3153714>.
10. Данькина О.Н. «Наш друг МакБук» (из опыта работы в условиях ФГОС) [Электронный ресурс] / О.Н. Данькина.